



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 22 май, № 99 (6029)

Пайшанба

ЎЗАРО ИШОНЧЛИ МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашув ўтказиш ҳамда Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг IV саммитида иштирок этиш учун Хитой Халқ Республикасига ташриф буурди.



亚洲相互协作与信任措施会议第四次峰会
Fourth Summit of the Conference on Interaction and Confidence Building Measures in Asia
中国 上海 Shanghai, China
2014.5.20-21

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ва ХХР Раиси Си Цзиньпин Хитой раҳбарининг Шанхай шаҳридаги қароргоҳида учрашув ўтказди. Сўхбат чоғида томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини юксак баҳолади ва ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларини белгилашда бундай учрашувлар муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари ўзаро ҳамкорлик изчил ривожланаётганини қайд этиб, Хитой раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

ХХР Раиси мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни мустахкамлаш тарафдори эканини таъкидлади. Си Цзиньпин Ўзбекистон раҳбари билан бундан буён ҳам яқин шахсий мулоқотни давом эттиришга, икки томонлама муносабатларда "янада юксак марраларга эришиш учун барча саъй-ҳаракатларни ишга солишга" тайёр эканини қайд этди.

Хитой раҳбари давлатларимиз ўртасида минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш лозимлигини таъкидлади. Си Цзиньпин Ўзбекистон минтақадаги муҳим давлат эканини қайд этиб, Осиё мамлакатлари ўртасидаги ишончли, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустахкамлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт борасида мамлакатимиз билан ўзаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиришни таъкидлади.

Ислон Каримов ва Си Цзиньпин ўзаро ҳамкорликка доир қатор масалаларни, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бoshqa соҳалардаги алоқаларни янада мустахкамлаш масаласини атрофлича муҳокама қилди.

Давлат раҳбарлари минтақавий ва

халқаро аҳамиятга эга долзарб масалалар юзасидан фикр алмашди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг Шанхай шаҳрида бўлиб ўтган IV саммитида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш қўлтида ҳамкорликни мустахкамлаш, тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган халқаро форумдир. Бугунги кунда Кенгашга 24 давлат аъзо. Тўққиз мамлакат ва тўрт халқаро ташкилот унинг қўлатувчиларидир.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида таъкидлаганидек, бугун дунёда рўй бераётган таҳликали, беқарор сиёсий ва иқтисодий воқеалардан хавотирга тушмаган давлат, жамият бўлмаса керак. Бу, ўз навбатида, халқаро хавфсизликка ҳам таъсир ўтказмасдан қолмайди. Сўнгги вақтларда жаҳоннинг айрим минтақаларида юзга келаётган вазиятни қўзғатар эканмиз, барқарорликни издан чиқарувчи омиллар — куч ишлатиш ва зўравонлик хавфи тобора кучайиб бораётганини афсус билан қайд этмоқ лозим. Халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик хавфи, миллатлараро ва конфессиялараро қарама-қаршиликлар ҳам қамайгани йўқ.

Ислон Каримов саммит қатнашчилари эътиборини муҳим масала — ишонч масаласига қаратди. Ўзбекистон раҳбари қарама-қарши томонларни муроасага келтириш учун, авваламбор, улар ўртасида юзга келган муаммони ҳал этишга қаратилган ўзаро хайрихоҳликка эришиш зарурлигини таъкидлади. Акс ҳолда улар ўртасидаги барча музокаралар бир-бирига эътироз билдиришдан нарига ўтмай қолиши ва бу ҳолат чексиз давом этавериши мумкин. Бу, ўз

навбатида, дунёнинг турли минтақаларида ҳал этилмай келаётган зиддиятларни юзга чиқаради. Фақат ўз манфаатини қўзлайдиган ташқи кучлар ушбу зиддиятларнинг авж олиши ва ҳатто чегарадан чиқиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бироқ вазият қандай тус олмагин, бундай зиддиятларнинг асосий сабаби бир-бирига қарши курашаётган томонлар ўртасида ўзаро ишончнинг йўқолишидир. Бу ишончни қайта тиклаш ва албатта мустахкамлаш зарур.

Президентимиз ишонч — бу муҳим элемент ва асосий мажбурият эканини, бусиз тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги ҳар қандай музокаралар жараёнида баҳсли масалаларни ҳал этиш, ўзаро тушуниш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустахкамлаш сари қўйилган мақсадларга эришиб бўлмаслигини таъкидлади. Аммо экспертларнинг фикрича, замонавий дунёда, биринчи навбатда, халқаро муносабатларда ўзаро ишонч мустахкамлашни ўрнига сусайиб бормоқда.

Юзга келаётган реал вазият бугун ушбу масалалар ўз ечимини талаб қилаётган гоёт долзарб муаммолар эканини кўрсатмоқда. Аксарият таҳлилчилар бугунги кунда жаҳондаги вазият шиддат билан ўзгараётгани ва глобаллашув кўлами кенгайиб, ҳам ашё ресурслари ва коммуникацияларни назорат қилиш бўйича геосиёсий рақобат кучайиб бораётгани, беқарор давлатларда бўлгани каби ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ҳам даромад тенг тақсимланмаётгани бундай ҳолатлар юзга келишининг асосий сабаблари, деб ҳисоблайди.

Ислон Каримов таъкидлаганидек, бугунги кунда радикализм, халқаро терроризм, экстремизм ва наркотрафик мафкураси бир мамлакат ёки муайян минтақа муаммоси эмас. Бу

муаммолар миллий чегарани билмайди, айниқса, ёш авлодни ўз домига тортмоқда. Давлатимиз раҳбари терроризмни фақат ислон дини билан боғлаш мулоқот нотиқри ёндашув эканини алоҳида қайд этди. Кўпгина экспертларнинг фикрича, халқаро бошқарув институтларининг мувофиқлаштирувчи роли, биринчи навбатда, халқаро ҳуқуқнинг асосий нормаларига қатъий риоя этиш бўйича ягона ёндашувнинг заифлашгани вазиятнинг тобора кескинлашувига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон давлатлараро ва халқаро даражадаги ишончни қайта тиклаш ва мустахкамлаш, шубҳасиз, дунёда зиддиятчи жараёнлар кучайишининг олдини олишда муҳим таянч ва асосий тўсиқ, нотинч минтақаларда ўзаро курашаётган марказларнинг бир-бири билан рақобатлашувининг, вазият кескинлашуви ва издан чиқишини тўхтатишнинг ишончли ва муҳим воситаси, деб билади.

Шу муносабат билан, давлатимиз раҳбари Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин нутқида Осиёда хавфсизликнинг янги концепциясини ишлаб чиқиш бўйича билдирилган тақлифлар эътибор ва қўллаб-қувватлашга лойиқ эканини, ўзаро ишонч, манфаат, тенглик ва ҳамкорлик каби принципларни амалга ошириш ушбу концепциянинг асосий мақсадлари бўлиши даркорлигини таъкидлади. Ижтимоий тизим ва унга ёндашувдаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик муҳим вазифадир. Шунингдек, минтақавий иқтисодий ҳамкорликни изчил ривожлантириш ва мустахкамлаш, савдо ва инвестиция фаолияти учун қўлай шароитлар яратиш, транспорт-коммуникация ва энергетика соҳаларида йирик қўшма инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, замонавий

юқори технологик ишлаб чиқариш ва қувватларни ташкил этишга доир тақлифлар ҳам қўллаб-қувватлашга лойиқ. Президентимиз замонавий дунёда талаб юқори бўлган бундай янги ёндашувлар бугунги кунда, айниқса, муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбари қўшни Афғонистонни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Бугун шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Афғонистон муаммосини ҳал этишдан манфаатдор барча томонлар бир фикрда яқдил — Афғонистонда ҳарбий йўл билан тинчлик ўрнатиб бўлмайди. Ислон Каримов Ўзбекистон бу фикрни НАТОнинг 2008 йил апрелдаги Бухарест саммитида ҳам илгари сурганини қайд этди.

Можарони бартараф этишнинг ягона тўғри йўли — сиёсий йўл бўлиб, музокаралар орқали қарама-қарши томонларнинг ўзаро келишувига эришиш, мамлакатнинг асосий миллий-этниқ гуруҳлари вакилларида иборат ҳукуматни шакллантиришдир. Ўзбекистон раҳбари Афғонистонда президент сайловининг иккинчи босқичи қонун доирасида ўтказилишига умид билдирди ва бу жафокаш Афғонистон халқи учун тинч ҳаёт сари йўл очиб бериши мумкинлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Афғонистоннинг яқин қўшниси сифатида унинг ички ишларига аралашмаслик, ҳамкорликни фақат икки томонлама асосда ташкил қилиш, Афғонистон халқи сайлаган ҳукуматни қўллаб-қувватлаш сиёсатида қатъий туради.

Ўзбекистон муроасага келаётган томонлар олдида нафақат музокара жараёнини қўздиган, балки кескинликнинг яна авж олишига, зиддият ва тортишувларнинг янада кучайишига олиб келадиған шартлар қўйили-

ши мулоқот самарасиз ва бунга сира йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди. Афғонистондан АЙСАФ тинчлик-парвар кучларининг чиқарилишига келсак, ушбу мамлакатда юзга келган вазият қўшинларни 2014 йилнинг охирига қадар олиб чиқиб кетиш яқиний муқддатини узайтиришни талаб қилади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш олдида қандай мураккаб, ҳал этиш мушкул бўлган муаммолар турганини яқини тасаввур қилишни таъкидлади. Ушбу вазифаларнинг ҳал этилиши давлатлар ўртасидаги муносабатларни янада яхшилаш, кескинлик ва қарама-қаршиликларни юзга келтирадиган сабабларга барҳам бериш борасидаги барча саъй-ҳаракатларимизни оқлаши мумкин.

Президентимиз Ислон Каримов Хитой Халқ Республикасининг Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашга раислик қилиши Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги мураккаб муаммоларни ҳал этишда муҳим роль ўйнашига ишонч билдирди. Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашга раислик 2016 йилгача Хитойга ўтди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хитой Халқ Республикасига ташрифи низоҳасига етди. Президентимизнинг ХХР Раиси билан ўтказган учрашувлари икки давлат раҳбарлари ўртасидаги ишончли муносабатларга, мамлакатларимизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини стратегик шериклик руҳида ривожлантиришга хизмат қилади.

Баҳодир ЭРҒАШЕВ,
ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ.

Тошкент — Шанхай — Тошкент

Сарвар УРМОҢОВ олган сурат.

Франкфуртда тақдимот

Бавария ўлкаси пойтахти Мюнхен ва мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри мунтазам ҳаво қатновлари очилиши муносабати билан Франкфурт шаҳрида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Унда Германияда фаолият кўрсатадиган етакчи сайёҳлик агентликлари, ишбилармон доиралар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тақдимот чоғида Ўзбекистон сайёҳлик инфратузилмаси тараққиёти ҳамда юртимиз бағридаги тарихий ёдгорликлар тўғрисидаги маълумотлар тақдимотга йиғилганларда катта қизи-

қиш уйғотди. Шунингдек, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясининг салоҳияти, унинг замонавий лайнерлари, республиканинг халқаро аэропортлар инфратизими, Миллий авиакомпания тақлиф этаётган имтиёзлар ҳақидаги маълумотлар ҳам ҳеч қимни бефарқ қолдирмади.

Тадбирда сўзга чиққанлар "Тошкент — Мюнхен — Урганч"

йўналиши бўйича тўғридан-тўғри ҳаво қатновининг очилиши мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг фаоллашуви ҳамда Ўзбекистонга бораётган германиялик сайёҳлар сонининг ошишига кўмаклашишини қайд этдилар.

ГФР сайёҳлик компаниялари вакиллари янги ҳаво қатнови очилганини олқишладилар. Бу, уларнинг фикрича, нафақат юртимиз тарихий шаҳарлари, балки Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари бўйлаб қизқарли ва ранг-баранг саёҳат йўналишларини ишлаб чиқиш учун жуда қўлай имкониятдир.

"Жаҳон" ахборот агентлигининг мухбири тадбир якунида

айрим иштирокчилар билан сўхбатлашди.

Александр ШРОЛЛ,
Мюнхен аэропортининг
йўналишлар тармоғини
ривожлантириш бўйича
директори:

— Бугун мен учун алоҳида кундир. Чунки "Тошкент — Мюнхен — Урганч" йўналиши бўйича тўғридан-тўғри ҳаво қатновининг очилгани жамоатчиликка тақдим этилди. Бу "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси билан олиб борган музокараларимизнинг амалий натижасидир. Ҳаво кемаларимиз 2015 йилнинг март ойидан эътиборан мазкур йўналиш бўйича қатнай бошлайди.

(Давоми 2-бетда).



Юридик кадрлар малакасини ошириш:

МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра сўхбати бўлиб ўтди.

ДАВРА СУХБАТИ

Тошкент давлат юридик уни-верситети, Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази, Бош прокуратура Олий ўқув курслари, ИИБ Академияси билан ҳамкорликда ЕХХТ Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, АҚШ Федерал суд маркази, Европа Иттифоқининг "Ўзбекистондаги суд-ҳуқуқ ислохотларига кўмак-

ташкилотлари вакиллари, АҚШ, Япония, Венгрия, Португалия, Словакия, Исроил каби давлатлардан экспертлар ҳамда ОАВ ходимлари қатнашди.

Тадбирда таъкидланганидек, юртимизда мустақиллик йилларида юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларига устувор аҳамият берилаяпти. Аввало, соҳанинг мустақам ҳуқуқий базаси яратилгани, Президентимиз томонидан бир қатор фармонлар қабул қилинган ишбу йўналишдаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).



БИОХИЛМАХИИЛЛИКНИ САҚЛАШ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Маълумки, 1992 йилда БМТнинг Биологик ранг-баранглик тўғрисидаги конвенцияси қабул қилинди. Ўша пайтда ушбу ҳужжат 156 та давлат томонидан имзоланиб, 1993 йилдан бошлаб халқаро ҳужжат сифатида кучга кирди. Унда биологик хилмахилликни сақлаш, унинг компонентларига зиён етказмасдан фойдаланиш каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Зеро, флора ва фауна бойликлари ҳар бир давлатнинг ҳаётий ресурсидир. Шундай экан, бу неъматни муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш, келажақ авлодга бекаму қўст етказиш ривожланишга эришишнинг мутлақ заруратидир.

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Мамлакатимизда ҳам табиат муҳофазаси, биохилмахиллики асраб-авайлашга катта эътибор қаратиб келинапти. Бунинг учун зарур ташкилий-ҳуқуқий пойдевор яратилган. Конституциямизда ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик экани, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ҳамда улар давлат таъминоти фазасида эканлиги алоҳида белгилаб қўйилди. "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги, "Экологик назорат тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Айни чоғда Ўзбекистон бир қатор халқаро ҳужжатлар билан бирга, БМТнинг Биологик ранг-баранглик тўғрисидаги конвенциясига қўшилди.

Мазкур мустаҳкам ҳуқуқий ҳужжатлар биологик хилмахиллик объектларини бус-бутунлигича сақлаб қолиш, ўсимлик ва

ҳайвонот дунёси, улардаги муҳитни комплекс муҳофазалаш, шундай ҳудудларни кенгайтириш, янгилашни бунёд этиш ва уларнинг иш самарадорлигини оширишда дастуриламал бўлмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1 апрелдаги тегишли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида биологик хилмахиллики сақлаб қолиш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилиб, устувор вазифалар белгилаб олинди. Ундаги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини янгидан ташкил қилиш ва мавжудларини кенгайтириш, бундай ҳудудларда фаолият юритишнинг иқтисодий механизмларини халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда олиб бориш, биохилмахиллики муҳофаза этиш ва унга зиён етказмасдан фойдаланиш ишида кенг жамоатчилиكنинг иштирокини таъминлаш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш каби механизмларни ривожлантириш бўйича зарур чора-тадбирлар шулар жумласидандир.

Охириги маълумотларга кўра, юртимизда 15700 га яқин ҳайвон, 4500 та юксак ўсимлик тури учрайди. Муҳофаза қилинадиган ҳудудлар эса уларни сақлаш, қайта тиклаш ва улардан фойдаланишда катта ёрдам беради. Шу боис мамлакатимизда уларни янада кенгайтириш бўйича бир қатор ишлар бажарилаётир. 1995 йилгача бундай ҳудудлар республика умумий майдонининг 2 фоизини ташкил этган бўлса, айни вақтга келиб мазкур кўрсаткич 5,2 фоизга етказилди. Бошқача айтганда, ҳозирги кунда республикамызда 8 та давлат қўриқхонаси, 2 та миллий табиат боғи, битта давлат биосфера резервати, 12 та буюртмахона, 7 та давлат табиатни ҳимоя қилиш заҳироти, эндиликда жабҳада турларни махсус қўйатириш йўналишига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Юртимиз ўсимлик олами ҳам нобўлиги, шифобахилиги билан ажралиб туради. Яъни флорамиз таркибидagi турларнинг 700

таси эфир сақловчи ҳисобланади, 100 таси замонавий тиббиётда, 1500 таси эса халқ табиотида қўлланилади. Шуларни инобатга олсак, уларни сунъий усулда етиштириш давр тақозосидир. Бугунги кунда бир канча давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ушбу фаолият билан шуғулланиб келаётгани диққатга сазовор.

Маълумки, сўнгги йилларда дунёда турли омиллар қуроқчилик, чўллашиш, деградация каби муаммоларни келтириб чиқармоқда. Оқибатда биохилмахиллиكنинг ажралмас бўғини — хайвонот ва наботот турлари сони камайиши, яшаш муҳитларидаги аҳволнинг янада кескинлашуви кузатилмоқда. Мазкур вазият, албатта, ёввойи турлар муҳофазасини янада такомиллаштириш, мутахассислар, кенг жамоатчилиكنинг масъулиятини қўйатиришни талаб этади. Бинобарин, 2010 йилда Япониянинг Нагоя шаҳрида БМТнинг Биологик ранг-баранглик тўғрисидаги конвенцияси иштирокичлари конференцияси ташкил этилди. Унда 2011 — 2020 йиллар "Биологик ранг-барангликнинг 10 йиллиги" деб эълон қилинди. Шу аснода аниқ мақсадга қаратилган стратегик режалар муҳомадан ўтказилиб, давлатларнинг қўриқхона ва миллий боғлари ҳудудини қуруқликда 17, денгиз қўриқхоналарини эса 10 фоизгача кенгайтириш режалаштирилди. Бу эса атроф-муҳит мусаффолиги, биохилмахиллики таъминлаш

ҳамда экотуризмни ривожлантириш имконини беради.

Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзолари ҳам ушбу йўналишни ўзлари учун устувор деб билади. Улар томонидан тегишли қонун нормалари ижроси назорат-таҳлил фаолияти тартибда мунтазам ўрганиб келинмоқда. Шулар асосида уларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилапти, қарорлар қабул қилинмоқда.

Экоҳаракат ва депутатлар гуруҳи томонидан тарғибот-тушунтириш ишлари, семинарлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда. Фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан яқиндан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Бу борадаги сайёҳаракатларни янада кучайтириш эса аҳолининг биологик хилмахиллики сақлаш ва ундан оқилона фойдаланиш соҳасидаги билимларини оширида, табиатни асрашдек масъулиятли юмушга янада фаоллик билан камарбаста бўлишга ундайди.

Мухтасар айтганда, юртимизда биохилмахиллики муҳофаза қилишга қаратилган эзгу ишлар экологик барқарорликини мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фахриддин ХОЛБОВЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати.

Франкфуртда тақдимот

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Бавария — Германиянинг улкан иқтисодий салоҳиятга эга, энг йирик федерал ўлкаларида бири ҳисобланади. Шу боис ушбу янги ҳаво катновининг очилгани ҳар икки томон учун ҳам бирдек манфаатлидир.

Ишончимиз комилки, янги йўналиш авиайўловчилар орасида оммалашши баробарида, Ўзбекистон ва Бавария сайёҳлик тармоғининг тараққиётига улкан ҳисса қўшади.

Макс ЛЕДЕРЕР,
Франкфуртдаги "Aircargonet International GmbH" компаниясининг бошқарувчи директори:
— "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси билан ҳамкорлик қилиб келаётганимизга ўн беш йилдан ошди. Шу давр мобайнида ўзбекистонлик шерикларимиз билан биргаликда барқарор ўсишга эришдик. Умид қиламизки, ана шундай ижобий таъминот бундан кейин ҳам бардавом бўлади.

Бугунги тақдимот маълумотларга бой тарзда кечди. Биз Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сайёҳлик салоҳияти, Миллий авиакомпаниянинг имкониятлари ҳақида атофрлича ахборотга эга бўлдик.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси Мюнхенга янги йўналиш очиб, ўз қатновларининг тармоғини кенгайтиришга қарор қилгани бизни қувонтирди. Буни ҳамкорлики янада мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам, деб ҳисоблаймиз, чунки Германияда Ўзбекистонга нисбатан қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистонга, унинг Миллий авиакомпаниясига муваффақиятлар тилаймиз.

Мирослав РОНЧАК,
Германиядаги "FVW Mediengruppe" сайёҳлик нарийётининг Шарқий Европа маркетинги ва савдоси бўйича директори:

— Мен ҳам "Ўзбекистон ҳаво йўллари"ни Мюнхен шаҳрига янги йўналиш очгани билан табриклияман. Бу Германия ва Ўзбекистондаги сайёҳлик компаниялари ҳамда мазкур соҳага ихтисослаштирилган махсус нашрлар ўртасидаги муваффақиятли ҳамкорликини мустаҳкамлаш, мамлакатлараро маданий мулоқотни янада фаоллаштириш учун яхши имконият яратади.

«Жаҳон» АА.
Берлин

Почта хизмати:

Модернизация ва янги имкониятлар

Ўзбекистон Алоқа тарихи музейида почта алоқасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, соҳани модернизация қилиш ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ТАДБИР

Тадбирда қайд этилганидек, "Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамияти почта хизматининг сифатини янги босқичга кўтариш имконини берувчи илгор иш услубларини амалиётга изчил жорий қилмоқда. Хусусан, мазкур жараёнда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилаётгани аҳолига катта қулайликлар яратаяпти. Бунинг самараси жамият томонидан анъанавий халқаро ва шаҳарлараро почта алоқаси, пенсия ва нафақалар

тўлаш, электрон пул ўтказмалари, коммунал тўловларни қабул қилиш ҳамда бошқа хизматлар босқичма-босқич такомиллаштириб борилаётганида кўзга аёқол ташланмоқда. Масалан, бугунги кунда МДХ мамлакатлари билан халқаро электрон пул ўтказмалари алмашиш йўлга қўйилган, бошқа давлатлар билан ҳам бундай хизматларни кенгайтириш бўйича тегишли ишлар амалга оширилаётир.

Ҳ. ҒОЙИМОВ.

Қисқа

сатрларда

- Пойтахтимиздаги

Миллий матбуот марказида "Ўзбекистонда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик" мавзuida анжуман ўтказилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита томонидан Республика Байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ва диний ташкилотлар вакиллари, олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар қатнашди.

- Самарқандда "Юксак маънавиятли авлод" ёшлар фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Қўриқ иштирокчиларининг ижодий ишлари 14-16, 17-19, 19-25 ёш тоифалари бўйича алоҳида тартибда баҳоланди ва саккиз номинация бўйича 24 нафар голиб аниқланиб, улар танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.**

- "Sen Yolg'iz Emassan" Республика жамоатчиликл болалар жамғармаси томонидан пойтахтимиздаги Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги сўйим масканларга саёҳат ташкил этилди.

- Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Фанлар академиясининг Тарих институти, Экологик ҳаракат ҳамкорлигида "Абу Райҳон Беруний даҳоси: замонавий илм-фан синтези ва интеграциясида унинг илмий мероси ўрни" мавзuida илмий анжуман ўтказилди.**

- Китоб туманидаги Улуғбек маҳалласида "Маънавият боғи" ташкил этилди. Мазкур эзгу сайёҳаракат "Соғлом авлод тарбиясида маънавиятнинг ўрни" мавзuida-ги республика илмий-амалий конференцияси доирасида уюштирилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Юридик кадрлар малакасини ошириш:

МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Хусусан, "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон судья кадрларни танлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш учун кенг имкониятларни очиб берди.

Президентимизнинг "Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан 2013 йилда ташкил этилган Тошкент давлат юридик университети юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўйича базавий олий таълим ва илмий-услубий муассаса сифатида белгиланди.

Давра суҳбатда мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштириш ва эркинлаштириш бўйича изчил ислохотлар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам ўз эътирофини топаётгани қайд этилди. Чунончи, жаҳон миқёсида ҳуқуқ устуворлигининг навабдаги индексини эълон қилган "The World

Justice Project" халқаро мустақил ташкилотининг йиллик маърузасида Ўзбекистон ҳуқуқ-тартиботи ва хавфсизликини таъминлашда муваффақиятли амалга ошираётган бешта мамлакат қаторига киргани ҳақида таъкидлаб ўтилгани бунинг аёққол далилидир.

— Юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мамлакатимиз узлуқсиз таълим тизимининг мустақил босқичи ҳисобланади, — дейди Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази кафедра мудури Ғайбулла Алимов.

— Ушбу босқичда Марказимизнинг алоҳида ўрни бор. Судья кадрларининг, профессоронал кўникма ва таълилий тафаккур қобилиятини шакллантириш, судьяликка номзодларнинг, илк бор судья этиб тайинланганларнинг тайёргарлигини такомиллаштириш мақсадида ўқув жараёнига ихтисослаштирилган дастурлар бўйича қўшимча машғулотлар киритилган. Шу билан бирга, ўқитишнинг замонавий инновация усулларини ўрганиш ва ўзлаштириш, ўқув-машқ суд жараёнлари кўникмасини сингдириш, ҳуқуқни

қўллаш амалиётига оид долзарб масалаларни муҳокама қилиш каби-ларнинг жорий этилгани, ўз навбатида, соҳа ходимлари малакасини оширишга хизмат қилмоқда. Истиқболда виртуал аудиторияни барпо этиш, масофавий ўқитишга мослаштирилган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш бўйича ҳам бир қатор ишлар режалаштирилмоқда.

Тадбирда хорижий мамлакатларнинг ҳуқуқий тизимлари, юридик таълимга доир халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш механизмлари, ўқитишнинг замонавий усулларини ривожлантириш таъминоти ҳақида батафсил маълумотлар тақдим этилди. Шунингдек, сўзга чиққан чет эллик экспертлар юристларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шу жумладан, ўз мамлакатларида судьялар, прокурорлар ва адлия органлари ходимларини ўқитиш тизимлари ҳақида фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

— Суд-ҳуқуқ соҳасининг малака-ли мутахассислари иштирокида ўтказилган давра суҳбатда фаолиятимизга оид маърузалар тинглан-ди, фикр-мулоҳазалар ўртага таш-

«Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам»

Ёшлар ижод саройида шу шиор остида ёш тадбиркорлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматлар ва ишлаб чиқилган инновацион ғоялар кўргазмаси очилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар Кенгаши, Иқтисодийёт бош бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган бу галги тадбирда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган 120 дан зиёд ёш тадбиркорлар иштирок этди.

КЎРГАЗМА


Кўргазманинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликини ривожлантириш, соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, айниқса, олий ўқув юртлари ва касб-хунар коллежлари битирувчиларини бизнесга жалб қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада тадбиркорлар сафи йил сайин кенгайиб, улар ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, экспорт ҳажмини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида ялли ички маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 41 фоиз, санаотда — 26,8, пуллик хизматлар кўрсатишда — 42,7, бандликда 76 фоиз ошгани бунинг аёқол далилидир.

Дарҳақиқат, юртимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилиб, тадбиркорларга ҳар томонлама эркинликлар берилаётгани ёшларнинг бизнесга бўлган иштиёқини янада кучайтирмоқда. Буни пойтахтлик кўллаб ёшлар

мустақил тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўяётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Юртимизда биз, ёшларнинг иқтидоримизни юзага чиқариш учун барча шарт-шароит яратиб берилган, — дейди Севара Худойбергенова. — Ўзимдан қиёс. 2011 йилда "Менинг бизнес ғоям" кўрик-танловида иштирок этиб, голибликни қўлга киритдим. Шунга мувофиқ, банк томонидан ажратилган 19 миллион сўм миқдоридаги имтиёзли кредит ҳисобидан тадбиркорлик фаолиятини бошладим. Ҳозирги кунда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган оилавий корхонамызда 15 нафардан зиёд тенгдошларим меҳнат қилаяпти. Уларнинг иزلанишлари натижасида ишлаб чиқарилаётган турфа ширинликлар тобора харидорғир бўлиб бораёпти.

Кўргазмага таширф буюрган ёшларнинг акарияти Севарага ўхшаб самарали бизнес юритиб, ички бозорда ўз ўрнини топиб бораётир. Зеро, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 феврал-



Хосон ПАЙЎЗОВ олган сурат.

даги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати" амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳам мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини эгаллашида дастуриламал бўлиб хизмат қилапти. Кўргазмадан кўзланган асосий мақсад эса ёш тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувват-

лаш, улар фаолиятини ривожлантиришга қўмаклашиш, илгор тажриба ва инновацион лойиҳаларини оммалаштириш, шунингдек, коллеж битирувчиларини бизнесга қизиқтиришдан иборатдир. Шу маънода, унинг ишида тижорат банклари, солиқ, боғжона идоралари томонидан долзарб мавзуларда ўқув семинарлари ташкил этилгани айни муддао бўлди.

Намоиш майдонларидан жой олган маҳсулотлар билан танишар экансиз, ёшларнинг тадбиркорлик салоҳияти юксалиб бораётганига комил ишонч ҳосил қиласиз. Негаки, улар томонидан таклиф этилаётган тўқимачилик ва енгил санаот, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш матери-аллари, хунарамдчилик буюм-лари сифат кўрсаткичлари билан

хорижикидан асло қолишмайди.

— Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш фаолиятимизнинг асосий мезони ҳисобланади, — дейди "New Man Tex" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Абдулворис Умаров. — Шу боис ўтган йили хориждан энг замонавий технологик ускуналарни олиб келиб ўрнатдик. Айни пайтда 15 хилдаги эркаклар ички кийимларини ишлаб чиқараямиз.

Дилшод Шермухаммедов раҳбарлик қилаётган "Hi Packnology" масъулияти чекланган жамияти эса қозғ қутилар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, бу ерда мамлакатимизда биринчилар қаторида картон қозғоздан ўйинчоқлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Унинг дастлабки намуналари кўргазма қатнашчилари эътиборига ҳавола этилди.

Ушбу йўлга ўйинчоқлар салкам 70 та қисмдан иборат бўлсада, уни боланинг ўзи йиғайди, — дейди ёш тадбиркор. — Бу, табиийки, уларнинг ақлий қобилиятини ривожлантириш, фикрлаш доирасини кенгайтириш ва дунёқарашини шакллантиришга хизмат қилади. Соғлом бола йилда бу каби ўйинчоқлар турини қўйатириш, ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ниятидамиз.

Кўргазма доирасида ёшлар учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ташкил этилиб, унда Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар мавжуд бўш иш жойлари билан қатнашди.

Тадбирда энг фаол ёш тадбиркорлар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АНЖУМАН

Юртимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда ёш авлодга замонавий билим бериш устувор масалалардан биридир. Хусусан, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши натижасида кўркам ўқув муассасалари бунёд этилиб, жаҳон андоза-лари асосида жиҳозланди, илгор ахборот технологиялари билан тўлиқ таъминланди. Энг муҳими, ўқувчи-ёшларнинг бугунги талабларга мос билим олишлари учун зарур имкониятлар яратилди.

Келажакка сармоя

Пойтахтимизда бўлиб ўтган матбуот анжуманида халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда кўлга киритилаётган натижалар эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У. Иноятов ва бошқа-лар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимини янада ривожлантириш, таълим сифати ва са-марадорлигини оширишга алоҳида эъти-бор қаратилаётганини таъкидлади. Жум-ладан, 2013/2014 ўқув йилида 2314 та таълим муассасаси мебель, ўқув-лабо-ратория асбоб-ускуналари, компьютер ва спорт анжомлари билан жиҳозланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори-нинг қабул қилиниши ўқувчиларнинг хорижий тилларни мукаммал ўрганиш-ларига замин яратди. Айни пайтда умумтаълим мактабларининг бошлан-ғич ҳамда юқори синф чет тиллар кабинетларини зарур техник воситалар билан таъминлаш ишлари давом этмок-да. Шу билан бирга, хорижий тилдаги ўқув дарсликлари ҳамда ўқув-методик қўлланмалар ҳам нашр қилинмоқда. Айни пайтда чет тили ўқитувчиларига методик ёрдам кўрсатишга мўлжаллан-ган “Видео-методик-хизмат” лойиҳаси йўлга қўйилди.

— Умумтаълим мактабларимизда чет

тилининг биринчи синфдан мукаммал ўқитилиши алоҳида аҳамиятга эга, — дейди Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи Абдурахим Носиров. — Негаки, ёшларимизнинг хорижий тилларни пухта эгаллашлари бугунги куннинг муҳим талабидир.

Матбуот анжуманида таълим тизими самарадорлигини оширишда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни ва аҳамияти ҳақида мулоҳаза юритилиб, бу борада Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази базасида масофавий методик хизмат кўрсатиш тизими ишлаб бошлагани қайд этилди. Бундан ташқари, республика-мизда 194 та таянч мактаби ташкил қилиниб, айни пайтда 400 мингга яқин педагоглар махсус кўникмаларга эга бўлишмоқда.

Жорий ўқув йилида юртимиздаги барча умумтаълим мактабларининг 9-синфларида жами 501 минг 564 нафар ўқувчи таълим олаяпти. Уларни таълим-нинг кейинги bosқичига тўлиқ қамраб олиш мақсадида бугунги кунда 1 — 9-синфларнинг 4 миллион 430 минг нафардан ортқ ўқувчилари тўғрисида-ги маълумотлар e-maktab электрон маълумотлар базасига киритилди.

Мулоқот тарзида ўтган анжуманда оммавий ахборот воситалари ходимла-рининг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

Д. СОДИҚОВ.

Навқирон дастурчилар танлови

Тошкент ахборот технологиялари универси-тетининг Қарши филиали магистранти Бекзод Очилов туризм, тарихий ёдгорликлар, маънавий қадриятларни ўзида акс эттирган sohibqiron.uz веб-сайтини яратди.

ИНТИЛИШ

Бу орқали глобал тармокдан фойдаланувчилар Қашқадарёдаги те мурийлар даври ёдгорликлари, соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги адабиётлар, хорижий мутахассис-лар фикрлари, шунингдек, ушбу мавзуга доир турли видеолавҳалар билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Айни пайтда сайтдаги маъ-лумотларни рус, француз, итальян, немис, испан, корейс, хитой каби ўн та хорижий тилда тақдим этиш устида иш олиб борилмоқда.

Эътиборлиси, талабанинг ушбу лойиҳаси яқинда бўлиб ўтган “Энг яхши веб-сайт ва дастурий таъми-нот” вилоят кўрик-танловида “Туризм, тарихий ёдгорликлар, маъ-навий қадриятлар акс этган энг яхши туристик веб-сайт” номинациясида биринчи ўринга лойик топилди. Шу-нингдек, тадбирда “Маданият, спорт ва таълим соҳасидаги энг яхши сайт”, “Қорхоналар ишини автомат-лаштиришга қаратилган энг яхши дастурий ишланма”, “Мобиль қурил-малар учун яратилган энг яхши мобиль илова”, “Кичик бизнес ва ху-сусий тадбиркорлик фаолиятини ёритувчи энг яхши тадбиркор веб-сайти”, “Болалар ва ўсмирлар учун яратилган ёшларга оид энг яхши веб-сайт” номинациялари голибла-ри ҳам аниқланди.

А. МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хурматли юртдошлар!



«АСАКА» банки (ОАЖ)

қуйидаги миллий ва хорижий валюталардаги муддатли омонат турларини таклиф этади.

Миллий валютада:

«БАРАКАЛИ»

Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўланади.

«ИМТИЁЗЛИ»

Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал хизматлар ва бошқа тўловлар (газ, электр энергияси, иссиқ ва совуқ сув, иситиш, истеъмол ва ипотека кредитлари тўловлари, олий ўқув юртларида таълим олиш бўйича контракт тўловлари)га йўналтирилади.

«СОҒЛОМ АВЛОД»

Омонатнинг сақланиш муддати — 24 ой.

Ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Хорижий валютада:

«ШОДИЁНА» (АҚШ долларларида)

Омонатнинг сақланиш муддати — 2 йил.

Ҳисобланган фоизлар 1 йил ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (еврода)

Омонатнинг сақланиш муддати — 12 ой.

Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан бирга, «Асака» банки (ОАЖ) 91 турдаги миллий ва хорижий валюталарда қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар:
(8-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар

Тошкент шаҳри филиали
«Автотранспорт» филиали
Шайхонтоҳур филиали
Юнусобод филиали
Сергели филиали
Тошкент вилояти филиали
Андижон вилояти филиали
Асака филиали
«Фарҳод» филиали
Фарғона вилояти филиали
Олтиариқ филиали
Кўқон филиали
Наманган вилояти филиали
Навоий вилояти филиали
Зарафшон филиали
Бухоро вилояти филиали
Бухоро шаҳри филиали
Самарқанд вилояти филиали
«Афросиёб» филиали
Қашқадарё вилояти филиали
Сурхондарё вилояти филиали
Қорақалпоғистон филиали
Хоразм вилояти филиали
Сирдарё вилояти филиали
Жиззах вилояти филиали

Код

(8-371) 120-83-13
(8-371) 120-39-95
(8-371) 140-39-36
(8-371) 221-80-67
(8-371) 258-67-49
(8-371) 120-84-13
(8-374) 224-40-96
(8-374) 233-13-69
(8-374) 226-97-53
(8-373) 224-70-83
(8-373) 237-12-37
(8-373) 432-10-11
(8-373) 552-61-04
(8-369) 226-94-75
(8-436) 223-54-32
(8-436) 573-18-78
(8-365) 223-71-94
(8-365) 770-11-27
(8-366) 231-08-86
(8-366) 221-77-56
(8-375) 221-12-93
(8-376) 770-82-12
(8-361) 770-60-59
(8-362) 226-97-78
(8-367) 225-44-03
(8-372) 226-43-11

Телефон

«АСАКА»
БАНКИ (ОАЖ)
САРМОЯНИЗНИНГ
САҚЛАНИШИ
ВА КўПАЙИШИНИ
КАФОЛАТЛАЙДИ.

www.asakabank.com

Барча омонатлар фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Qishloq Qurilish Bank

Барча юртдошларимизга қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади.

Миллий валютада:

«Янгилик»	Омонатга маблағлар 3 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.
«Фойда»	Омонатга маблағлар 3 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.
«Файзли»	Омонатга маблағлар 4 — 6 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.
«Даромадли»	Омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.
«Талаба»	Омонатга маблағлар 14 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар 3 ойда тўлаб берилади.

Хорижий валютада:

«Финанс»	Омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонатчи талабига кўра, ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.
«Капитал»	Омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.
«Фортуна»	Омонатга маблағлар 1 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

Бундан ташқари, аҳолининг уй-жой ва бошқа шахсий мулкларидан фойдаланиш жараёнида улар бўйича тўланадиган коммунал тўловларини тўлашда қулайлик яратиш мақсадида қуйидаги янги махсус юқори фоизли омонат турлари жорий қилинган:

«Қулай тўлов»	Омонатга маблағлар 6 ойга қабул қилинади ва омонатга ҳисобланган фоизлар омонатчи номидан коммунал хизмати кўрсатувчи ташкилотларга олдиндан ёки омонатчининг ташкилот олдидаги қарздорлигини сўндириш учун йўналтирилади.
«Тежамкор»	Омонатга маблағлар 1 йилга қабул қилинади ва омонатга ҳисобланган фоизлар омонатчи номидан коммунал хизмати кўрсатувчи ташкилотларга олдиндан ёки омонатчининг ташкилот олдидаги қарздорлигини сўндириш учун йўналтирилади.
«Коммунал»	Омонатга маблағлар 24 ойга қабул қилинади ва омонатга ҳисобланган фоизлар омонатчи номидан коммунал хизмати кўрсатувчи ташкилотларга олдиндан ёки омонатчининг ташкилот олдидаги қарздорлигини сўндириш учун йўналтирилади.

Ушбу омонат турларига банкнинг барча филиалларида маблағ қабул қилинади.

1.	Тошкент шаҳар минтақавий филиали	(8-371)	150-77-21
2.	Тошкент вилояти минтақавий филиали	(8-371)	150-79-19
3.	Андижон минтақавий филиали	(8-374)	222-23-72
4.	Фарғона минтақавий филиали	(8-373)	229-70-91
5.	Наманган минтақавий филиали	(8-369)	223-04-37
6.	Бухоро минтақавий филиали	(8-365)	223-92-21
7.	Самарқанд минтақавий филиали	(8-366)	210-02-49
8.	Қашқадарё минтақавий филиали	(8-375)	771-04-26
9.	Сурхондарё минтақавий филиали	(8-376)	770-83-72
10.	Қорақалпоғистон минтақавий филиали	(8-361)	224-22-15
11.	Хоразм минтақавий филиали	(8-362)	227-48-15
12.	Сирдарё минтақавий филиали	(8-367)	221-00-71
13.	Жиззах минтақавий филиали	(8-372)	771-63-38
14.	Навоий минтақавий филиали	(8-436)	770-27-97.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатингиз:

- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Мурожаат учун телефонлар:
(+99871) 150-76-53, 150-39-93.
www.qqb.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан 14608/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Зангиота» ҚФЙ, 1-уйда қойлашган: **бошланғич баҳоси 220 550 000 сўм** бўлган кўчмас мулк ва **бошланғич баҳоси — 275 254 000 сўм** бўлган полипропилен қопларини ишлаб чиқариш ускунаси қўйилмоқда.
 2. Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар СИБ томонидан 2014 йил 3 апрелдаги 6751-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Примкулов кўчаси, 2-уйда жойлашган: **бошланғич баҳоси 1 500 000 000 сўм** бўлган, умумий ер майдони 5,4313 гектар, умумий қурилиш майдони 17 575,5 кв.м. бўлган, 0001-0018-литерлардаги 18 та кўчмас мулк ва **бошланғич баҳоси 375 000 000 сўм** бўлган ишлаб чиқариш ускунаси қўйилмоқда.
- Аукцион савдоси 2014 йил 25 июнькуни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.
- Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.
- Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
- Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13.

POS-ТИЗИМЛАРИ
АВТОМАТЛАШТИРИШ

Micros®
Ўзбекистондаги расмий ҳамкор



ЖИҲОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:

- савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);
- бутик, ноозик-овқат маҳсулотлари савдоси;
- ресторанлар, кафе, барлар;
- фитнес-клублар, бильярд хоналар, боулинг ва бошқалар.

Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чеклар принтерлари, савдо тарозилари.

Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калит билан».

- Кичик Бешёғоч к., 86 (олдинги шаҳар ДИХХБ биноси қаршисида), тел.: (+99871) 200-34-34, (кўш. 850, 858), факс: 281-43-65.

www.micros.uz;
e-mail: scales@ucd.uz,
micros@ucd.uz

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти марказий кенгаши Хоразм вилояти кенгаши раис ўринбосари
Равкат Рашидович ШАХМАЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Богдаги тароват, дарахтлар жозибаси, уларнинг серхосил меваси богбоннинг ўз ишига нисбатан чексиз меҳридан дарақдир. Вақтида қилинган парварши, табиатга бўлган эзгу муносабат туфайли нозиккина навихол чуқур илдиз отиб, дарахтга айланади, сояси, меваси билан эл-улусга наф келтиради.

Мамлакатимиз ўғил-қизларини ҳам ана шундай ниҳолга менг-заш мумкин. Чунончи истиқлолнинг илк кунлариданоқ уларга қаратилаётган чексиз ғамхўрлик самарасини бугун ёшларимиз эришяётган муваффақиятлар ми-солида кўриб, билиб турибмиз.

Бу борада, айниқса, Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори улар тақдирини гоёта муҳим аҳамиятга эга. Негаки, мазкур ҳужжат асосида махсус Давлат дастури тасдиқланиб, уни амалга ошириш юзасидан Ҳаракат режаси ишлаб чиқилди-ки, бунда ёш авлоднинг жамиятдаги мавқеини юксалтиришга

Беқиёс эътибор, юксак ғамхўрлик

қаратилган вазифалар тўлиқ қамраб олинган. Хусусан, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга бўлган ватанпарвар ўғил-қизларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантиришга қаратилган эзгу чора-тадбирлар диққатга сазовор.

Бундан ташқари, махсус режада уларнинг ҳаётда ўз ўринлари-

ни топишлари, танлаган замонавий касб-хунарни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратиш ҳам кўзда тутилган. Зеро, ота-боболаримиз ҳам қадимдан савдогарлик, тижорат, тадбиркорликни ўзларига касб қилишган. Бунинг натижасида, Буюк Ипак йўли орқали савдо-сотик ишлари авж олган, бу билан эл-юрт маъмурчилигига муносиб ҳисса қўшилган. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, қарорда ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий касб-хунарсирларини пухта ўзлаштиришлари учун нимаики зарур бўлса, барчасини яратиш бериш кўзда тутилган йилги-қизларимизнинг тадбиркорлик иқтидорларини юзага чиқариши аниқ.

Бугунги кунда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кириб бормаган соҳа қолмади, ҳисоб. Шу боис уларсиз ҳаётимизни тасаввур қилиш мушкул. Бу нарсалар эҳтиёжга айланган бир пайтда улардан тўғри,

оқилона фойдаланиш масъулияти ҳам бор. Негаки, глобал тармоқда турли ишончли ва аксарият ҳолларда ёшларимизни жалбитувчи ахборотлар борлиги сир эмас. Мана шулар инобатга олиниб,

мустақил фикрлай оладиган, юксак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билимли ва замонавий дунёқарашга эга, мамлакат тақдир ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодни шакллантириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини ана шу мақсадларга сафарбар этишга доир кенг миқёсли чора-тадбирларни амалга ошириш” кўзда тутилганлиги, айни пайтда бу борадаги вазифалар изчил бажарилаётганлиги ҳам эртамиз ворислари учун кўрсатилаётган эътибор ва эъзознинг ёрқин ифодасидир. Бинобарин, Дастурда Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий марказининг қатор бўлинмалари, ТошПТИ клиникалари, 13 вилоят кўп тармоқли болалар тиббий марказлари, 62 туман тиббиёт бирлашмалари ва бошқа тиббий ҳамда тиббий-ижтимоий муассасалар курилиши ва тубдан таъмирланиши келахак авлоднинг соғлом турмуши учун энг муҳим омиллардан биридир. Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, белгиланган режага кўра, хотин-қизлар, болалар ва ўсмирларнинг сифатли тиббий хизматлардан фойдаланишлари учун ҳар ойда соғломлаштириш ҳафталиклари ташкил этилади.

Уларнинг барчаси ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатлари давлат ҳимоясида ҳамда эътиборидан эканлигидан далолатдир. Навқирон авлод камолоти эса ҳар биримизга дахлдордир. Шундай экан, ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида ақлу салоҳиятимиз, шижоатимиз ва иқтидоримизни аямасак, Ватан олдидаги бурчимизни бажарган бўламиз.

Шаҳноза РАҲМОНОВА,
Зульфа номидаги давлат мукофоти соҳибаси,
Тошкент солиқ коллежи катта ўқитувчиси.



Муқомил АМИН (ўр.) олган сурат

Китобхонлар фестивали

“Инсоният яратган энг буюк неъматлардан бири нон бўлса, иккинчиси, шубҳасиз, китобдир”, деган эди алломалардан бири. Дарҳақиқат, китоб тафаккурга қувват бериб, маънавиятни юксалтиради. Қалбда чин инсонийлик хислатлари, эзгу фазилатлар камол топиши, ҳаётдан ўз ўрнимизни эгаллашимизга қўмаклашади. Шу боис китоб ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган.

МАЪНАВИЯТ

Пойтахтимизда “Соғлом бола йили” Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган “Китоб бизни бирлаштиради”, деб номланган китобхонлар фестивалида ҳам китобнинг, айниқса, бадий адабиётнинг инсон камолотидаги беқиёс ўрни ҳусусида фикр юритилди. Жумладан, жaxon китобларини севиб мутолаа қиладиган шундай нодир китоблар борки, уларни ҳар гал ўқиганимизда, олам-олам завқ ва таасуротлар оламиз, дунёқарашимиз яна бир поғона юксалгандек бўлади. Ана шундай дамларда кўнглимиз эзгуликка лиммо-лим тўлиб, атрофдагиларга яхшиликлар улашгимиз келади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва қатор идоралар томонидан ўтказилган мазкур тадбирда пойтахтимиздаги ахборот-ресурс марказларининг илгор китобхонлари ҳамда турли ёшдаги китобсеварлар қатнашди. — Тадбирда янги-янги китоблар билан танишиш баробарида, бадий асарларимиз муаллифлари билан учрашиш, суҳбатлашиш имкониятига эга бўлди, — дейди пой-

тахтимиздаги 283-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Бехзод Қамбаров. — Масалан, оламга машҳур Ҳошимжоннинг саргузаштларини марoқ билан мутолаа қилганман. Фестивалда ушбу қаҳрамон тасвирланган “Сариқ девни миниб...” китоби муаллифи Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг фикр-мулоҳазалари барчани тўлқинлантириб юборди.

Шунингдек, анжуманда Республика болалар кутубхонаси фаолияти тўғрисида ҳам иштирокчиларга маълумотлар берилди. Хусусан, айни пайтда ушбу муассасада ўзбек ва жaxon халқларининг 220 мингга яқин болалар адабиётлари сақланмоқда. Қолаверса, мавжуд китобларни анъанавий ҳамда замонавий ахборот технологиялари ёрдамида ўқиш имконияти яратилган. Бу ерда ҳар ойда таниқли ёзувчи ва шоирлар иштирокида ташкил этилаётган “on-line dars” мулоқотлари ҳам китобсеварларда катта қизиқиш уйғотаяпти. Тадбир якунида фаол китобхонларга совғалар улашилди.

Д. АБДУРАЙИМОВ.

Маҳоратга муносиб рағбат

Бухоро вилоятидаги кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази ҳамшираси Гулбаҳор Сулаймонова онаси Гулнора олага бир даста гул ҳамда компьютер жамланмасини совға қилди.

«ХАМШИРА — 2014»

“Хамшира — 2014” кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолиб чиққан Гулбаҳор онасига ўз миннатдорлигини шу тариқа изҳор қилди.

Умуман, мазкур танловнинг бу йилги босқичида рақобат ҳар қачонгидан кўра кучли бўлди. Беллашувнинг шаҳар ва туман босқичларида салкам 600 нафар хамшира иштирок этди. Якунда улардан 18 нафари кўрик-танловнинг республика босқичи йўланмаси учун касб маҳоратини синовдан ўтказди. Омад эса юқорида таъкидлаганимиздек, Г. Сулаймоновага қулиб бокди.

Истам ИБРОХИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳуқуқ билимдонлари

Пойтахтимизда Халқ таълими, Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, “Камолот” ЁИХ Марказий кенгаши билан ҳамкорликда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ташкил этилган “Ҳуқуқ билимдонлари” республика танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

ТАЪЛИМ

Гарчанд танлов жорий йилда илк маротаба ташкил этилган бўлса-да, у ўқувчи-ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Танлов шартларига кўра, унинг республика босқичида ғолиб бўлган жамоа аъзолари жойлардаги касб-хунарсир коллежларига имтиёзли қабул қилиниши режалаштирилган. Мазкур танлов ўқувчиларнинг ҳуқуқий савабдорлигини ошириш, уларда

қонунларга ҳурмат, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шунингдек, тадбир доирасида иштирокчилар учун маданий-маърифий тадбирлар ҳам ташкил этилди. Унга кўра, қатнашчилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати фаолияти билан танишдилар.

Шавкат ХҲАЖАҚУЛОВ.

«Тошкент труба заводи» ҚҚ

ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харидорларга тақдим этади.

Мисланган пайвандлаш сими
СВ08Г2С, ГОСТ 2246-70,
Ø 0.8, 1.0, 1.2, 1.4, 1.6, 2.1, 2.5, 3.5, 4.0, 5.0,
баҳоси 1 тонна учун 5 500 000 сўмдан бошлаб.

Тўқиладиган ва мих ишлаб чиқаришда қўлланиладиган сим,
Ø 0.8, 1.0, 1.2, 1.4, 1.6, 2.1, 2.5, 3.5, 4.0, 5.0,
баҳоси 1 тонна учун 3 300 000 сўмдан бошлаб.

Конструкцияда фойдаланиладиган профиллар, ўлчамлари: 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20 ҳажмли, девор қалинлиги 2.0-4.0 мм., баҳоси 1 тонна учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.

(нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.



MDIS Tashkent
Management Development Institute of Singapore

Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти

МВА дастурининг халқаро стандартлар асосидаги магистратура курсларига тақлиф этади.

2014 йил 30 май

МАГИСТРАТУРА КУНИ

деб эълон қилинади.

Абитуриентларни қабул қилиш — соат 10.00 дан 17.00 гача.

2014/2015 ўқув йилида тақдим этилаётган дастурлар

Бизнес бошқаруви магистри (МВА):
МВА — молия| МВА — маркетинг

100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёкор шоҳқўчаси, 28-уй.
Телефон: (8-371) 271-77-00. Факс: (8-371) 276-90-94.
E-mail: marketing@mdis.uz www.mdis.uz

Омадли келажакка биз билан эришин!

Хизматлар лицензияланган.



C and H Industry
Construction Equipment & Service



Иностранное предприятие
ООО «C and H Industry»

предлагает

ДОРОЖНО-СТРОИТЕЛЬНУЮ ТЕХНИКУ

Под заказ.



Адрес: г. Ташкент, 100015, Мирабадский р-н, ул. Айбека, 38 «А», бизнес-центр «Авалон», 2-й этаж.
Тел./факс (+99871) 252-50-03, моб.: (+99891) 162-52-86, (+99891) 162-52-85.
E-mail: uzvolvo@gmail.com



Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 569. 119 678 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жониҳонов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 04.10 Топширилди — 04.55 1 2 3 4 5

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси